



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
булк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halsuzi@uzpak.uz

2002 йил 28 ноябрь, №258 (3086)

Пайшанба

Европа тиклаши ва тараққийт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьер раҳбарлигидаги делегация вакиллари 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Мақроиктисодиёт ва статистика вазирлигида бўлди.

ЕТБ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКISTONДА

Бош вазир ўринбосари, мақроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Рустам Азимов ҳамда Бош вазир ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев, молия вазирлиги Мамаризо Нурмуллоев иштирокда ўтган учрашувада Ўзбекистон билан ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечатгани таъкидланди. Мазкур банк мамлакатимизда ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган дастур ва лойиҳаларда фаол иштирок этаётгани бу фикрнинг далилидир.

Ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида бажарилаётган ишлар борасида атрафлича маълумот берилди. Томонлар истиқболда ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Афғонистон ташқи сийсат маҳкамаси раҳбари Абдулла Абдулла Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов билан учрашди.

АФҒONISTON BAZIRINING TASHRIFI

Музокарада асосий эътибор минтақадаги вазият ва Афғонистондаги аҳволга қаратилди. Доктор Абдулла Афғонистондаги тиклашни ишларида кўрсатилаётган катта ердам учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдириди.

камлаш хусусида фикр алмашилди. Узро муносабатларини янги босқичга кўтариш учун икки мамлакатда элчилик тайинлашни муҳим қалам бўлгани таъкидланди.

280 МИЛИАРД СЎМЛИК АҲДАШУВ

Мамлакатимиз бозорларини арзон ва сифатли маҳаллий истеъмол товарлари билан тўлдирish, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида "Ўзбекистон" давлат акциядорлик компаниясида ташкил этилган енгил саноат маҳсулотларининг улгуржи савдо ярмаркаси ниҳосига етди.

Ярмаркада иштирок этган "Ўзбекистон" ДАК, "Ўзбек ипаги", "Ўзбеккармпойабзали" уюшмалари ва бошқа корхоналар томонидан маҳсулот етказиб бериш борасида жами 280 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Шунинг 214 миллиард сўмлик "Ўзбекистон" ДАК тизимидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

Меҳри БОЛИЕВА,
ЎЗА мухбири.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП



Пойтахтдаги «Арегат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси Давлат инвестиция дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиб, ўзи ҳам катта наф қўрмоқда. Гап шундаки, заводча Германиянинг «Либхер» фирмасидан фрезерлаш ва «Лоренц» фирмасидан қишлоқ хўжалиги машиналари ғилобракларини сиклиқлашга мўлжалланган дастгоҳлар келтирилган эди.

СУРАТДА: (чапдан) оператор Санжар Азизов ва соловчи Шамил Рахматуллин иш устида.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Суд мустақиллигини таъминлаш — давр талаби

Тошкент давлат юридик институтида давлат ва жамиятнинг демократик янгилишни босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметов, Олий ҳужалик суди раиси ўринбосари Ш.Рўзиназаров, Бош прокуратура қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурортергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Исло

риш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Фармон қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

рилиши ҳисобига судьяларнинг жамиятдаги мавқеи ошмоқда. Анжуманда сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, амалиётда тўғри қўллаш, суд-ҳуқуқ ислохотларини давом эттиришда жиноят-процессуал қонунчилигининг роли, суд ҳокимиятининг мустақиллигига амалда эришиш борасидаги ишларни янада жондантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Беҳзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Сўнгги хабарлар

Нуробод — Германия билан шерик

Нурободлик тадбиркорлар Германия ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Туман марказида масъулияти чекланган "Sobirsoy-plast" Ўзбекистон — Германия қўша корхонаси ниҳа тушди.

Корхонада асосан экологик тоза пластик материаллардан дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, бу ерда электр жиҳозлари, уй-рўзгор юмюслари ҳам ишлаб чиқарилаётган. Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, юздан зиёд ёшлар иш билан таъминланади.



Фалокат оёқ остида, деганлари беҳиз эмас. Шу йил 8 июнь куни Поп туманидаги Ҳўжабод қишлоғида яшовчи Абдусаттор Жураевнинг бошига қўйилган маъруза бўлиб ўтди. Унинг ўғли Ваҳобжон автоҳалокат туфайли оламдан беватқ кўз юмади.

Газетада босилмади, аммо...

ҚАТБИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

ни текшириш ва қонуний чора-тадбирлар белгилаш учун Наманган вилояти прокуратурасига жўнатилди. Яқинда вилоят прокурорининг ўринбосари Б. ПИHXACOB номидан қўйилган расмий жавобни олдик: «Ариза Поп тумани прокуратураси томонидан текширилди. Маълум бўлишича, автомашина соҳибни Фарҳод Йўлдашев солир этган айб гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар асосида исботланган. Натияжада унга исбатан ЖК 266-моддасининг 2-қисмига мувофиқ айб эълон қилинган.

Бугуннинг гапи

Камина Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани 5-дахасида яшайман. Яқинда бугун даҳадаги кўп қаватли уйлارнинг лифтлари шаҳар лифт трестининг қарори билан вақтинча тўхтатиб қўйилди. Бундай қадам даҳа аҳолисида анча безовталиқ тудирди. Ахир даҳадаги барча уйлар 9 қаватли. Айниқса, юқори қаватларга лифтсиз чиқиб бориш осон дейсизми? Бунинг устига, қариялар, ёш болалик аёллар, юрак-томир, қон босими касаллигига йўлиқиб, баланддаги хонадонларга пиёда чиқиши мумкин бўлмаган кишилар ҳам яшайди бу уйларда.

Даҳада лифтлар тўхтатилди. НЕГА?

Хуллас, лифтсиз қолиш оғир муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боисдан лифтлар тўхтатилган кунларда даҳадаги "Дилхушнур" уй-жой мулкдорлари ширкати эшигида шикоятчиларнинг кети узилмай қолди. "Ширкат қаёққа қараяпти? Нега лифтлар тўхтаб турибди-ю, сизлар мудраб утирибсизлар? Ширкат бошлигимизсиз, сизни сайлаб қўйибмизми, боринг, лифтни ишлатинг" деган танбехлар ширкат раҳбарининг бошига дўлдай ёғилди. Гуё ҳамма нарсаси шу раҳбар айбдордай.

пул керак. Биз билан сиз бир тангани раво кўрмасак пулни ширкат қаёқдан олади? Пул тўламаймиз, аммо ширкат эшигини бузғудай ваҳожат билан бориб, жанжал уюштирамиз.

Аслида, лифтлар нега тўхтатиб қўйилди? Бунда лифт хизматчиларини ҳам айблаб бўлмайди. Бунда ширкат раҳбарларининг ҳам ҳеч бир айби йўқ. Тўғри, ширкат лифт ишини назорат қилувчи ташкилотлардан қарзор. Бу қарз деярли 3,5 миллион сўмини ташкил этади. Лифт хизматчилари ҳам неча ойлар иш ҳақи олдмасдан ишлаб юришди.

Аммо бу жанжал, даҳанаки гап талашилардан нима фойда? Ундан кўра, онгли бўлинг. Тўлов мажбуриятларини бажаринг. Ана ундан кейин ҳақингизни талаб қилинг. Бундай онга эга бўлмас эканмиз, турмушимизда ҳаловат, фойз-барак, бўлмайди.

Яқинда шу ширкат ходимлари қўларини тўловнома дафтларини кўтариб уйма-уй юришибди. Эртаси ширкатга кириб натижасини сўрасам, "уф" тортишди. Демак, ҳеч иш чиқмаган. Лекин ширкат эшигини да "Нега сув йўқ? Нега лифт ишламаяпти?" деб даҳада қилиб юрган маҳалладошларимиздан анчасини кўрдим.

Эй, бирдорлар! Бу "Нега? Нега?" саволларини аввал ўзингизга беринг. Виджонингизга, инсофингизга айтинг. Ахир кўп муаммоларга ўзимиз сабабчику! Олди ширкат: нега лифтни тўхтатиб қўйишди? Негаки, сиз билан биз лифт хизматининг тўловларини тўламаймиз. Уланг! Уша кунли лифт ишлаб кетади. Ана, муаммонинг муҳим бир илдизи қаерда!

Аммо тўлагимиз келмайди. Ширкат раҳбарларидан бунинг сабабларини сўрадим. Балки айрим оиналар тўлов қобилиятига эга эмасдир, дедим. Ширкат раҳбари бундай оиналар борлигини рад этмади. Шу билан бизга, топармон-тутармон, бизнеси юришиб, керилиб юрган кўпгина кишилар ҳам ширкатдан 50-100 минг сўмлик қарзор бўлиб юришибди, лекин ҳамёнидан сарик чақа чиқаргани келмайдиле, деб фнгони фалкача чиқди.

Бу аҳволда нима бўларди? Яқинда бу йилларда ҳам ширкат раҳбарлигидан ўзларини воз кечса, ажаб эмас. Ахир даҳанинг коммунал хизмати учун тўловларини ўз ҳамёнларидан тўлашмайдику! Даҳа аҳолисида эса пул йиғиш осон эмас.

Мен бир даҳа ва унда ўзини ўзи бошқарув қанчалар қийинчилик билан келатганлиги тўғрисида ҳикоят қилдим. Менимча, бу даҳадаги аҳвол камёб ҳолиса эмас, бундай ҳолатларга бошқа жойларда ҳам беихтиёр дуч келиб турирамиз.

Бош ислохотчи — давлатимиз томонидан мамлакатимизда демократик ўзгаришлар амалга оширилляпти. Нодават, ўзини ўзи бошқарув тузилмалари тобора кўпаймоқда. Аммо қачонки фуқаролар онгада ўзини ўзи бошқарув тамовиллари чухур қарор топса, биз билан сиз давлат, жамият олдидики масъулиятимиз, бурчимизни равшан ҳис қилсак ва бажарсак, жумладан, коммунал хизмат тўловларини ўрнига қўйсак ана ўшанда вужудга келаятган ўзини ўзи бошқарув тузилмалари ҳам муваффақиятли ривож топди.

Онгли бўлайлик, имонинсофли бўлайлик, ҳаётимизнинг ободлиги ва фаровонлиги ўз сий-ҳаракатларимизга ва софдиллигимизга боллиқ эканлигини унутмайлик.

Михли ХОДАТОВ.

Алло, Сизни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси эшитмади!

Ҳурматли газетхонлар!

- Сизларни тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қизиқтирадими?
- Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ривожланишига тўқсизлик қилаётган муаммо ва товлар ҳақида айтмадиган гапингиз борми?
- Тадбиркорлик ва уни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, фармонлар ва қарорлардан баҳабармисиз?

Хуллас, Сизни қизиқтираётган саволларга шу йил 2 декабрь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек СОБИРОВ 139-18-83, 132-09-03 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

«Бевосита мулоқот»да Палата тизимидаги кирувчи ташкилотлар: «Бизнес-фонд», АТБ «Ўзтадбиркорбанк», «Мадад» суғурта агентлиги, Бозор кўпикмаларини ривожлантириш, «ЕАН Uzbekistan» маҳсулотлар ва хизматларини сертифициқлаш, «Тест-сервис» маҳсулот ва хизматларини сертифициқлаш, тастдан ўтказиш марказлари раҳбарлари иштирок этадилар.

Саволларингизни олдиндан қуйидаги телефон рақамлари орқали йўллашингиз мумкин: 139-18-83, 133-57-98, 132-09-03, 136-10-65, 136-36-65. Факс: 133-57-34, 133-52-55.

Электрон почта манзили: E-mail: Palata@maroqand.uz

Бевосита мулоқотга марҳамат!

Талабаларнинг халқаро анжумани

мамлакатимиздаги филиали ҳамкорлигида "Мустақил Ўзбекистон ёшлари XXI асрда" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Анжуман қатнашчилари жамиятда ёшларнинг ҳақидаги маърузаларини тингладилар. Мазкур анжуман мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

“Қариялар – эл фахри, юрт ифтихори” танловига

Бу гапни эшитган айримлар уни хавлпарастга чиқариб қўйишди. Узларича “фалончи бова қариб, айниб қилибди”, деб қилишди ҳам. Аслида-чи? Аслида Абдувоҳид бованинг хавли ҳам, миёси ҳам жойида. У эзининг нима дегётганини, нима иш қилётганини яхши билади. Гапирадиган гапларини хаводан олиб айтаётгани ҳам йўқ. 1987 йилдан, яъни пенсияга чиққандан буён олиб борган илмий изланишлари асосланиб айтмоқда. Аммо Янгиҳавт қишлоғида у билан ёнма-ён яшаб келётган қишлоқдошлари, ҳатто бир мактабда 47 йил давомида бирга ишлаган ҳамкасблари ҳам мийиғида қулиб қўйишди.

Кизик одамда. Узимиз билган Абдувоҳид бова-да. “Болаларга дарс беришим керак” деб директорликдан воз кечган. “Болаларга нима, чекма, тўғри юр, деб айтишим учун ўзим ичмаслигим, чекмаслигим, тўғри юришим керак, деб умрида бир марта ҳам оғзига бир қултум ичимлик олманган, ситарет, нос чекмаган, фаршга таянган одам-да. Тагин ҳам ким билсин. Бундай физик ўқитувчи бу теваракда йўқ. Қалласи зўр эди” дейишди. Фақат хотини – Роза хонанига унга ишонади. Ишонгани учун ҳам уни қўлаб-қуватлайди. Парварини жойига қўяди. Унинг пешонаси беш қарич бўлмаса шундай жаннат аёл учурарми? Шу аёл бўлмаса шунча ёшга борган чол гоъза бўлиб юрарми? Оролни қутқарман, деб кеча-қундуз китобга мук тушиб, қорғо қоралаб ётар-миди, дег гап қилишди қишлоқдошлари. Бу гапларда жон бор. Бўйроққоқ пишириб сотиш Роза чолага зарил кебтирми? У бу ишларни шу чол учун, унинг ишлари юришиб кетиши учун, Қаршига, Тошкентга боришда унга йўл харчи бўлиши учун қилди. Сира оғринмайди, миннат қилмайди. Тўғри, бова ҳам кўп қатори тинчгина яшаш мумкин эди. Меҳрибон хотини, 2 ўғил, 2 қизи, 10 навариси бор. Ўғил-қизлари ўзлари билан ўзлари бўлиб, тиниб-тинчиб кетишган. Чол-кампирга пенсиялари ҳам етиб ортади. Пенсияга чиққан, бованинг юраги бир эмас 3 марта инфаркта учради. Дўхтирларнинг гапига қулоқ солса, қолган умрини авайлаб ўтказиши керак эди. Бироқ уйда ётиб, эрмаги теле-

визор кўриш бўлган бованинг фикри-ёни Оролни ҳалокатдан асраш бўлиб қолди. Нега? Бунга у шундай жавоб беради: “Мақсалим давлатимизни бой

нинг ишмини рўбёга чиқариш учун сарфлади”, дейди бу ҳақда отахон. Агар мабодо ишим юришиб, лойиҳам маъқулланиб қолса, давлат менга мукофот берса, барисини шу ўқувчиғим берарми”.

Мен Оролни қутқараман

– дейди шахрисабзлик 80 ёшли отахон Абдувоҳид ЮСУПОВ

Оламзот нимагадир эътиқод қўйса, нимагадир астойдил ишонаса, ва сикдикдан ҳаракат қилса, мўъжиза рўй бериши мумкин. Бованинг гаплари тинчгина яшаш мумкин эди. Меҳрибон хотини, 2 ўғил, 2 қизи, 10 навариси бор. Ўғил-қизлари ўзлари билан ўзлари бўлиб, тиниб-тинчиб кетишган. Чол-кампирга пенсиялари ҳам етиб ортади. Пенсияга чиққан, бованинг юраги бир эмас 3 марта инфаркта учради. Дўхтирларнинг гапига қулоқ солса, қолган умрини авайлаб ўтказиши керак эди. Бироқ уйда ётиб, эрмаги теле-

Оролниг устидан бемалол ўтаверали. Иқлимимиз ўзгарди. Натижада турли табиий офатлар рўй беради. Булар нафақат Ўзбекистонга, балки хорижий давлатларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Оролни сувга тўлдирши зарур. Қандай қилиб?..

Бованинг гапларини диққат билан эшитсангиз, унинг эртанги аниқ ҳисоб-китобларга, аниқ ечим ва ҳулосаларга асосланганлигини ҳис қила болаёсиз. Ва беихтиёр ўйлаб қоласиз. Бова эса “Орол денгизини сув билан тўлдирши учун Каспийни Оролга туташ-

салимиз йўлида фойдаланиш мумкин эмас?”. Шу тариқа бова далиллари-ни кўндаланг қўя бошлайди. Унинг ҳисоб-китобларига қўра, “яширин сув”дан фойдаланилса, 2 йилда Оролни сувга тўлдирши мумкин экан. Фақат шу эмас. Амурлар ва Сирдарёга ўнлаб тўғонсиз ГЭСлар қурилса, арзон электр энергияси олинади. Газ ва кўмирни ишлатишга мутлақо эҳтиёж қолмайди. Улардан келадиган фойда “яширин сув”дан фойдаланиш лойиҳасини амалга ошириш учун кетадиган харажатни қисқа муддатда қоплаш-

исботлашга уринмайман ҳам. Гаплари кўнглимга ҳам тегмайди. Йўқ, мен бир нарсани хоҳлайман. У ҳам бўлса, одамлар ўз киндик қони томган ернинг гуллаб-яшнаши учун нимадир қилиши кераклигини, ёши бир жойга борган бўлишига қарамай қандайдир бир чол ана шундай ишлар қилибди. Биз нега қараб турибмиз”, деб ўз-ўзига савол беришларини ва уларда гурур уйғонишини истайман.

Абдувоҳид Юсуповнинг нима истаганини энди билдингизми? У “агар шу кашфиётим амалга ошиб қолса, давлат катта миқдорда мукофот беради. Унинг 10 фоизини мени қўлаб-қуватлаб, ишимни тарғиб қилган одамга бераман”, – дейиши ҳазил. Бунинг ҳазил эканлигини бованинг мулоимига, беозоргина жилмайиб қўйишидан ҳам билиб олсангиз бўлади. Ва беихтиёр кўнглингиз алланчун ёрғуси-ларга тўлиб қайратингиз ичингизга сизга кетаётгандай сезасиз ўзингизни. Бу тиниб-тиничмас отахондан сизга нимадир “юққани” белгиси. Илоий, юққани рост бўлсин. Қани энди ишлар, қаридир ҳар ким юрт учун, Ватан учун шундай жон қуйдирса. Эеро, отахон Президентимиз айтгандай эл-юрт учун ёниб яшашни хоҳлайди. Шунинг учун у ана шундай ишнинг бошини тутган. Кашфиёти қандай аҳамиятга эга эканлигини вақт кўрсатар. Лекин гап 80 ёшли отахоннинг шундай ишга қўл урғанилигидир. Ахир у бошқалар каби чўйхонга чиқиб тенгдошлари билан вақтинчи ўтказса бўларди-ку. Аммо у бундай қилмайди. Бундан хотини ҳам нолимайди. Болаларини айтмайсизми, “ота бефойда ишни қўйинг, демайди” ҳеч қайси-си. Чунки яхши ният билан қилинаётган ҳар қандай иш бир кун ўз махсулини беради.

Отахоннинг борманган жойи қолмайди. “Йўқ жойдан сув топдим. “Яширин сув”дан фойдаланиш мумкинлигини исбот қилдим. Лекин негадир элтибор йўқ”, дейди у. Ва бундан ранжимайди, тушунликка ҳам тушмайди. “Ўзбекистон дунёда тенги йўқ жой. У қучли, бой ва гузал бўлиши шарт. Шу мақсадда ана шу кашфиётни қилдим”. Мана унинг нияти. “Мен кучли деганда армияни назарда тутмайтман. Бой деганда ерларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини кўз олдимга келтирмайтман”. Мана унинг тушунчаси.

– Одам боласи ҳар хилда – охиста жилмайдиган бова, – академиклар қўлломанган ишни сиз қилмоқчи бўлибсизда, деб масхараляйдиганлар ҳам кўп. Майли, кулаверинсин. Мен уларга ишимнинг тўғрилигини

Нарзулла РАВШАНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Шахмат Фарғонада – халқаро турнир

Фарғона вилоятида мактаб ўқувчилари, ўсимлар ўртасида «Труд» газетасининг соврини учун шахмат бўйича халқаро турнир бошланди. Турнирда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда қўшни Қозғоғстон ва Қирғизистон давлатларидан 134 та ўқувчилар, ўсимлар қатнашапти.

– Ушбу турнирнинг айнан Фарғонада ўтказилаётгани бежиз эмас, – дейди Республика шахмат федерациясининг ижрочи директори Акрам Тошхўжаев. – Мазкур йилда водийда «Умид ноҳоллари» мусобақаларидаги шахмат беллашуви, спорт усталари ўртасида Ўзбекистон чемпионати, Азмиддин Хўжаев вақтисининг 110 йиллигига бағишланган халқаро турнирлар ўтказилишининг ўзи Фарғонада бемалол мамлакатимиз шахмат спортининг маркази дейишга асос бўлади.

Турнир 10, 12, 14, 16 ёшга бўлган ўқувчилар, ўсимлар ўртасида қилар ва болалар гуруҳлари бўйича ўтказилган. Қатнашчилар орасида ўсимлар ўртасида Осиё чемпиони Темир Галеев, қилар ўртасида икки бора Ўзбекистон чемпиони Шаҳноза Собирова сингари спортчилар бор.

Турнир қилиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланибгина қолмай, келгуси йили Испанияда шахмат бўйича ўсимлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпиононати қатнашш ҳуқуқини қўлга киртадилар.

Бир ҳафта мобайнида давом этадиган халқаро турнир нисбатига етиши биланоқ ана Фарғонада ўсимлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпиононати мусобақаларига старт берилади.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб – «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ, Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари – «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари – «Народное слово»), Ҳ. ДОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт – 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодий – 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат – 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минақалар – 136-29-89;
- Фан, солиқни сақлаш, таълим ва турizm – 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро хабар – 132-11-15;
- Копибит – 133-10-28;
- Эълонлар – 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г – 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2.

Газета тахририят компьютер базасида теринди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб – А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир – О. РАҲИМОВ. Навбатчи – М. ЮСУПОВ. Мусоҳиҳ – М. ЁҚУБОВА.

МАНШИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зىёд материаллар қабул қилинмайди. □ – тижорат материалли.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилади – 22.25

1 2 3 4 5 6

Хикмат
Кўнгул шишадирки, синса бўдурму Ани чегалаш бирла маҳкамлаб?



Учқўрғон тумани дон маҳсулотлари ҳиссасдорлик жамиятида бугунги кунда 566 нафар киши меҳнат қилади. Корхонада ишчиларнинг умуми меҳнат қилишлари, кўнели дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам кўнелдайдиди. Спорт майдони, теннис корти ишчилар хизматида. Яқинда корхона қошида фитобар, кундузи стационлар ҳам иш бошлади. Ишчилар шифо масканида мутахассислар бор. Энди саломатликларини тиклайдилар, тиббий қўриқдан ўтайдилар.

СУРАТДА: стоматолог Аддибахон Султонова иш устида. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАНФААТЛИ АЛМАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

КОҒОЗ ЧИҚИДИЛАРИ ҲАМДА ҚИЯМЛАРИ ҲАМДА ҚИЯМЛАРИ ҲАМДА ҚИЯМЛАРИ

1 кг. ҚОҒОЗ ЧИҚИДИСИ УЧУН – 85 сўм ҳисобидан. ИШ ТАРТИБИ: ҳар кун соат 9.00дан 16.00гача, тушлик – соат 12.00дан 13.00гача, ДАМ ОЛИШ КУНИ – ДУШАНБА.

| № | Қиёми | 1 кг учун |
|-----|---------------------------------|-----------|
| 1. | Пахта ёғи, 0.5 л., бут. | 6 кг. |
| 2. | Ҳўжалик совуни, бўлак | 2 кг. |
| 3. | Ароқ, 0.5 л., бут. | 11 кг. |
| 4. | Вино, 0.5 л., бут. | 4 кг. |
| 5. | Макарони маҳсулотлари, пач. | 2 кг. |
| 6. | «Мечта» кир ювиш воситаси, бан. | 6 кг. |
| 7. | Тозалаш кукун (порошок), бан. | 4 кг. |
| 8. | Кукун (порошок) 400 гр., пачка | 5 кг. |
| 9. | «Лимон» шампуни, бут. | 4 кг. |
| 10. | «Крапива» шампуни, бут. | 4 кг. |
| 11. | «Облепиха» шампуни, бут. | 4 кг. |
| 12. | Лампочка, дон | 2 кг. |
| 13. | Гурт, 4 кутча | 1 кг. |
| 14. | Картон К-350, кг. | 2 кг. |
| 15. | Толали плита, кв.м. | 7.2 кг. |
| 16. | Гофрокутиллар, кв.м. | 4 кг. |

ҚОҒОЗ ЧИҚИДИЛАРИ ЯНГИ ВА УНДАН КАРТОН СИГИМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА «Фойдаланиш» шахарнинг САНИТАРИЯ ВА ЭКОЛОГИК ХОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ, АХОЛИНИНГ БАНДИЛИГИНИ ТАБИИЯТГАДИ.

Қабул қилиш нуқталари МАНЗИЛЛАРИ

- А. Икромов тум., Чилонзор мазсаи, 26-дах. «Нон-паста» ёнида (собиқ макарон фабрикаси)
- Ҳамза тум., Шолоков кўч., 38-уй (Қадишова бозори ёқинида)
- Ҳамза тум., Лисунов кўч., (мўлжал: Лисунов номили к/т орқасида)
- С.Раҳимов тум., Қорақамийш 2/3 мазсаи (2 қаватли универсам орқасида)
- Ҳамза тум., «Рохат» халқасидан шаҳар халқа йўли бўйлаб Қўйлик томонга 500 м. юрилади; тел.: 98-56-87
- Сарикўл кўчаси (мўлжал: Авиация техникуми)
- Юнусобод мазсаи, 3-дах. (мўлжал: 5-болалар касалхонаси)
- Юнусобод тум. (мўлжал: «Қозғоғстон» к/т орқасида)
- Юнусобод тум., Малласов кўч. (мўлжал: «Юлдуз» фабрикаси)
- М.Улуғбек тум., Буюк Ипак йўли кўч. (мўлжал: «Саёҳат» мейхонахонаси)
- Ангрэн шаҳри, Навоий кўч., 22-уй
- Ангрэн шаҳри, 5/5 даҳаси, 14-уй
- Ангрэн шаҳри, 5/4 даҳаси (мўлжал: хўжалик дўқони)
- Дукент шаҳри (мўлжал: бозор)
- Садангарон шаҳри, Охунбобоев кўч., 11-уй
- Олмалик шаҳри, Амир Темур кўч., 87-уй
- Олмалик шаҳри, янги бозор
- Бекбоғ шаҳри (мўлжал: шаҳар прокуратураси)
- Бўқа шаҳри (мўлжал: босмаҳона)

ҚОҒОЗ ЧИҚИДИСИ, ШУНИНГДЕК, ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БОЗОР НАРХИДАН ЮҚУРИ БАҲОДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАТГАН ҚИЯМЛАРИ МАХСУЛОТЛАРГА ҲАМ АЛМАШТИРИЛАДИ:

- ГОФРОСИГИМЛАР; • УРАШ ҚОҒОЗИ; • ЕЛИМЛАНГАН КАРТОН; • ТОЛАЛИ ПЛИТА.

Маълумот учун телефонлар: (371) 144-10-78, 98-36-87 Тошкент ш., (266) 2-12-23, 3-74-26 Ангрэн ш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«НБУ-Янги йил» қисқа муддатли депозит турини таклиф этади.

Пуллар 2002 йилнинг 25 ноябридан 31 декабргагача қабул қилинади. Сақлаш муддати – 3 ой.

Қўшилидиган фоизлар: 1-ой – йиллик 70%; 2-ой – йиллик 60%; 3-ой – йиллик 50%.

Талаб қилиб олинмаган фоизлар ҳар ой капиталлаштирилади.

Дастлабки бадалнинг минимал суммаси – 25000 сўм. Қўшимча бадал камиди – 10000 сўм.

Миллий банк – пулларингиз бутлиги ва даромад келтириш кафолатидир!

Телефонлар: 137-62-81, 137-62-83. www.nbu.com

| | | | |
|--|---|---|---|
| ЎЗР ФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказининг меҳнат жамоаси марказининг кекса ходими, биология фанлари номзоиди Солиқ ота СОАТОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари-га чукчур ҳамдардик билдирди. | Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари университетининг Олий ўқув юртлиарно илмий-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича проректори, профессор Самихон Аширбоевга акаси. Озодбек АШИРБОВНИНГ вафоти муносабати билан чукчур тазиян ихжор этади. | Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари университетининг Бадий-трафика факультети чизма геометрия, чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси кафедраси муdiri Азимжон АШИРБОВГА отаси Озодбек АШИРБОВНИНГ вафоти муносабати билан чукчур тазиян ихжор этади. | Тошкент Ахборот технологиялари университети ректорати ва жамоаси «Ўзбек-телеком» АК «Наманган телеком» филиалининг директори Камолжон БОҚИЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чукчур тазиян билдирди. |
|--|---|---|---|

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

вилоятда 2003 йилда қайта таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

1. Асака шаҳридаги 450/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган саноат (енгил) касб-хунар коллежи (5-сон касб-хунар мактаби базасида).
2. Асака туманидаги 450/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи (техника-иқтисод коллежи базасида).
3. Мархамат туманидаги 450/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган саноат (енгил) касб-хунар коллежи (11-сон касб-хунар мактаби базасида).
4. Қўрғонтепа т. Корасув шаҳридаги 900/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи (касб-хунар лицейи базасида).

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати – 2003 йил август.

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими (Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61).

Қурилиш ишларини молиялаштириш – давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳақимов кўчаси, 14-«А»уй. Телефон: 24-72-79.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи – 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охириги муддати – оферталар очилиш кунини ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳри, Б.Ҳақимов кўчаси, 14-«А»уй. Телефон: 24-72-79.